Ушбу сонда:

2 *Фельетон ўрнида* КИЧКИНТОЙЛАР РИЗҚИГА КЎЗ ОЛАЙТИРГАНЛАР

3 СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

4 БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 30 март, сешанба № 53 (1686)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТЕРМИЗДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасига кетаётган Афғонистон муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзай Термизда тўхтаб ўтди.

Юксак мартабали меҳмонни Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров кутиб олди.

Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг ўзаро муносабатлари, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик, Афғонистон иқтисодиётини тиклашда Ўзбекистон кўрсатаётган ёрдам каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

- Афғонистон ва Ўзбекистонни яхши қўшничилик ва дўстлик ришталари боғлаб туради, - деди Ҳамид Карзай. - Афғонистон бошига кулфат тушганида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзганини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

(ЎзА)

РАСМИЙ АХБОРОТ

2004 йил 29 мартга ўтар кечаси ва шу куни эрталаб Тошкент шаҳрида бир қатор террористик ҳаракатлар содир этилди. Жумладан, Чорсу бозори ҳудудидаги «Болалар дунёси» магазинига кираверишда амалга оширилган портлаш натижасида икки киши ҳалок бўлди. Улардан бири мазкур магазиннинг қоровули, иккинчисининг шахси аниқланмоқда. Етти киши турли даражада тан жароҳати олди.

Дастлабки маълумотларга кўра, бу фожиага қўлда ясалган портлатиш мосламасининг номаълум шахс томонидан ҳаракатга келтирилгани сабаб бўлган.

Шу куни соат 9 дан 24 минут ўтганда «Кўкалдош» мадрасаси ёнида террорчининг белига боғланган қўлда ясалган яна бир портлатиш мосламаси ҳаракатга келтирилди. Ушбу жиноятни содир этган террорчининг шахси аниқланмоқда.

Мазкур портлашлардан аввал қуйидаги воқеалар содир бўлган эди. 28 март кечқурун ва 29 март тонгида қуролланган жиноятчилар хизмат вазифаларини бажараётган милиция ходимлари ва патрул постларига ҳужум қилди. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати ёнидаги «Қушбеги» кўчасида милиция ходимлари хатти-ҳаракатлари шубҳали кўринган уч номаълум шахсни тўхтатиб, ҳужжатларини текширмоқчи бўлганларида, улар милиционерларга қарата қуроллардан ўқ узишган. Натижада катта лейтенант М.Турғунов воқеа жойида ҳалок бўлган, капитан М.Қолдибоев эса жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган.

29 март куни эрталаб соат 5 да Тошкент трактор заводи яқинидаги чорраҳада қуролланган учта жиноятчини қўлга олиш пайтида икки милиция ходими ҳалок бўлди.

28 март куни кеч соат 22.00 га яқин Бухоро вилоятининг Ромитан тумани «Қаҳрамон» қишлоғида яшовчи нафақахўр Неъмат Раззоқовнинг уйида юз берган портлаш натижасида тўққиз киши ҳалок бўлди.

Дастлабки тергов маълумотларига кўра, бу уйдан террористик актларни содир этиш мақсадида селитра ва алюминий кукуни аралашмасидан тайёрланган портловчи мосламалар топилган.

Тергов гуруҳлари Тошкент шаҳри ва Ромитан туманида содир этилган портлашларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқламоқда.

Дастлабки тергов маълумотлари мазкур террористик актлар тайёргарлиги ташкилий равишда ва кенг миқёсда олиб борилганлигидан далолат беради. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятидан топилган кўплаб миқдордаги аммиак селитраси, алюмин кукуни, детонаторлар буни исботлаб турибди. Жумладан, Тўйтепа шаҳрида яшовчи Фурқат Юсупов 10 дона портлатиш мосламасини Тошкентга олиб келаётганида қўлга олинган.

Бу ва бошқа далиллар энг аввало Тошкент ва унинг атрофида содир этишга мўлжалланган террористик ҳаракатларга одамлар юрагига қўркув ва ваҳима солиш, уларнинг ҳаётига хуруж қилишни мақсад қилиб олган тажрибали жангарилар томонидан жиддий ва узоқ муддат давомида тайёргарлик кўрилганидан далолат беради.

Террорчи гуруҳларнинг ёвуз ва узоқни кўзлаб амалга оширган шу ва бошқа шунга ўхшаш жиноий ҳаракатларини тергов қилиш ва олдини олиш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари киритилди;

- Барча вилоятларда вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар раҳбарлари ва терроризмга қарши кураш бўйича етакчи мутахассислардан иборат комиссиялар тузилди;

- Мамлакат ҳудудида террористик ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўрилди ва кўрилмоқда. Бу йўналишда маҳалла қўмиталари ва жамоат ташкилотлари билан тегишли ишлар олиб борилмоқда;

- Ташкил этилган комплекс гуруҳлар тергов ишларини бошлаб юбордилар. Террористик хуружлар ва уларнинг манбаларига қарши курашни мувофиқлаштириш мақсадида қўшни мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари билан алоқалар ўрнатилди.

Террористик ҳаракатларни тергов қилиш ва олдини олиш бўйича ташкил этилган ҳукумат комиссияси республика аҳолисини ҳушёрлик ва огоҳликка, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмак беришга чақиради.

(ЎзА)

Маълумки, 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бу воқеалар-натижасида бир неча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари-ҳамда тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлди ва турли даражада тан жароҳати олди.

Бу жиноий ишларга алоқадорликда гумон қилинаётган бир неча шахслар қўлга олиниб, ҳозирги вақтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Шу воқеалар муносабати билан Президент Ислом Каримов Ўзбекистон телевидениеси учун махсус интервью берди.

ЁВУЗ КУЧЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

Авваламбор, рўй берган мудҳиш воқеаларда бегуноҳ қурбон бўлганларга, ҳалок бўлган милиция ходимларининг оила аъзолари, қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзиямни изҳор этиб, ярадор бўлганларга ўз ҳамдардлигимни билдирмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари.

Президент ушбу воқеалар, улардан чиқадиган хулоса ва сабоқлар ҳақида тўхталар экан, қуйидаги ҳолатларни алоҳида таъкидлади.

Дастлабки хулоса шуки, бундай ёвуз хатти-ҳаракатлар мамлакатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти, эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган қора, қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилгани аён бўлмоқда.

Бундан кўзланган мақсад - эл-юртимизнинг тинчлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштириш, одамларнинг юрагига ғулғула, ваҳима солиш, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатимизга бўлган ишончни йўқотиш, эзгу ният ва амалий ишларимизга тўсиқ бўлишдан иборатдир.

Бу масала бўйича тергов олиб бораётган ваколатли органлар томонидан бугуннинг ўзида тўпланган ашёвий далиллар, шу жумладан, қурол-яроғ, портловчи моддалар, экстремистик руҳдаги диний адабиётлар, тинч аҳолига талафот етказишга мўлжалланган воситаларнинг мавжудлиги амалга оширилган бу террористик хуружларга бир неча ой давомида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик кўрилгани, бунинг ортида катта маблағ ва имкониятларга эга бўлган экстремистик марказлар турганини кўрсатмоқда, деди Президент.

Аслида бу террорчилик хуружларини қабиҳ кучлар Наврўз кунлари, одамлар майдон ва хиёбонларга тўпланиб, байрам қилаётган жойларда амалга оширишни мўлжаллаган эди. Бизнинг байрамни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш масаласига катта эътибор қаратганимиз уларнинг разил режаларини барбод қилгани маълум бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу воқеаларнинг бундан беш йил олдин, 1999 йил февраль ойида Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлар билан боғлиқлигини, уларнинг услуби ўхшашлигини ҳам пайқаш қийин эмас.

Яна бир кўзга ташланадиган жиҳат - террорчилар бу жиноятларни асосан одамлар гавжум жойларда, бозорлар, савдо дўконлари, транспорт бекатлари атрофларида амалга оширишга уринишган.

Содир этилган жиноятларнинг яна бир хусусияти - ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиб, бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш ва талафот етказиш ҳолатлари бизнинг шароитимизда илгари рўй бермаган эди.

Буни баъзи хорижий мамлакатларда бугунги кунда учраётган қўпорувчилик ҳаракатларининг нусхаси ва кўринишидан деб баҳолаш мумкин.

Мамлакатимизда рўй берган мазкур воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура раҳбарларидан иборат таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

Вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам ҳокимлар раҳбарлигида ана шундай комиссиялар тузилиб, тезкор амалий ҳаракатлар бошланди ва бу ишлар ўз натижаларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари, мана шундай масъулиятли бир шароитда ўз юртининг тинчлигини, аёлларимиз ва болаларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётини сақлашни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган ҳар қайси юртдошимиз, ҳар қайси фуқаро бу ишга ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Маҳаллаларда, турар-жойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чораларни кўришимиз, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймаслигимиз, дўсту душманни яхши таниб олишимиз керак.

Мана шундай мураккаб вазиятда мен кўпни кўрган, машаққатли синовларда ўзининг мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла жамоатчилигига, барча маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, менинг болаларим, фарзандларим бўлган маҳалла посбонларига алоҳида мурожаат қилмоқчиман, деди Ислом Каримов. Ишонаманки, сизлар бундай ғаразли хуружларга қарши ўз қатъий фаолиятингиз, жонкуярлигингиз билан халқимизни бирлаштиришга, бир мушт бўлиб ёвуз кучларга қарши зарба беришга қодир эканингизни бу сафар ҳам амалда кўрсатасизлар.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буколмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошидан кечирган ва уларни мардона енгиб ўтган. Шунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, бундай жирканч, ёвуз балоқазоларни таг-томири билан юлиб ташлашимиз, бизга ато этилган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлашимиз зарур.

Мен мана шундай вазиятда 1999 йили Олий Мажлис минбарида туриб айтган гапларимни яна такрорламоқчиман. Биз манфур террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз, уларни маблағ билан таъминлаётган манбаларни, одамларни дин ниқоби остида чалғитиб, мудҳиш жиноятларга йўллаётган куч ва марказларни албатта аниқлаймиз. Ўз халқига, ўз ватанига қўл кўтарган, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишларини фош этиб, халқимизга кўрсатамиз, деди пировардида Президент Ислом Каримов. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қурбимиз ҳам албатта етади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий давлатлар элчихоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

ТЕРРОРЧИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров 28-29 март кунлари пойтахтимизда ҳамда Бухоро вилоятида содир этилган террористик ҳаракатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари бошланганини маълум қилди.

Дастлабки тергов маълумотлари мазкур террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик ташкилий равишда ва кенг миқёсда олиб борилганидан далолат беради. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида қўлга олинган кўплаб миқдордаги аммиак селитраси, алюмин кукуни ва детонаторлар буни исботлаб турибди.

Бундай жиноятларнинг сабабини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилганини Бош прокурор таъкидлаб ўтди.

Ташқи ишлар вазири С.Сафоев дунё бўйлаб террорчилик ҳаракатлари содир этиш кўпайганини, жаҳон ҳамжамияти бу машъум балога қарши ҳамкорликдаги курашни янада кучайтириши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА)

ИНСОН АЗИЗ

"Андижонёғмой" акциядорлик жамияти "Меҳр ва мурувват йили" дастури асосида вилоят шифохонасининг туғрукхона мажмуасини энг сўнгги талабларга жавоб берадиган тарзда капитал таъмирлаб берди.

Бунёдкорлик ишларига 112 миллион сўм маблағ сарфланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ҳисобига 13 миллион сўм ўтказилди. Андижон шаҳридаги 48-ўрта умумтаълим мактабининг иситиш тармоқлари тўлиғича янгиланди. Бу мақсад учун эса 25 миллион сўм сарфланди.

- Шаҳардаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг иссиқ-совуғидан хабар олиб туриш, байрам саналарида совға-саломлар улашиш, уларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб бориш, шунингдек, "Модус" хусусий поликлиникаси орқали корхонамизда меҳнат қилаётган тўққиз юз нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларимизнинг соғлигини ҳам имтиёзли равишда муҳофаза қилиш дастурда белгиланган режаларимиздир, - деди жамият раиси Бахтиёр Мадалиев.

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИБ

Исмат Мўминов раҳбарлик қилаётган кам таъминланган оилаларни имжтимоий қўллаб-қувватлаш маркази 13 нафар қаровчисиз ва ёлғиз оналарга хайрия ёрдами кўрсатди.

- Хотира ва қадрлаш куни ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан иккинчи жаҳон уруши фахрийларига моддий ёрдам кўрсатишни режалаштирямиз, деди И.Мўминов "Туркистон-пресс" мухбирига.

Мамлакатимизда замонавий технология билан жиҳозланган минглаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Бугунги кунда уларнинг сони янада кўпаймоқда. Халқимизнинг севимли байрами – Наврўз арафасида яна бешта қўшма корхона ишга туширилади. Тўқимачилик маҳсулотлари – калава, газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхоналар АҚШ, Германия, Швейцария ва Туркия каби давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Таъкидлаш керакки, бундай замонавий қўшма корхоналар мамлакатимизнинг нафақат йирик шаҳарларида, балки чекка туманларида ҳам кўплаб ташкил этиляпти. Куни кеча Жарқўрғон туманида иш бошлаган «Сурхонтекс» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси бунга яққол мисол. Корхонанинг лойиҳа қиймати 13 миллион евро. У Германия ва Чехияда ишлаб чиқарилган замонавий йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Унда йилига 4 минг тоннадан зиёд калава, 11 миллион погон метрга яқин газлама ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг саксон фоизи экспорт қилинади.

Корхонаниг озода, ёруғ ва шинам цехларида асосан қишлоқ аёллари меҳнат қилади. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар эса ўз харидорини топади.

Суратларда: цех ишчилари Ханифа Кўчкелдиева, Ҳурматой Бегалиева, касаба уюшма қўмитаси раиси Жуманазар Қодиров ва Момогул Курбонова; йигирув цехи кўриниши.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар

«Ишонч» фош этади

КЎРНАМАК

Абдуғани рўзғоридан нолимаса бўларди. Бироқ пулга тузоқ қўйган кимсанинг йўлдан адашиши, алданиши осон экан. Кунларнинг бирида «Ҳожи»ман деб ўзини таништирган хитойлик ажнабий унга рўбарў бўлдию Абдуғанининг ҳаловати бузилди.

Учрашувларнинг бирида «ҳожи» ҳамкорликда иш юритишни таклиф қилди. Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятига қарашли Аравон қишлоғида Хитойдан келтирилган саноат моллари сақланаётганлигини айтиб юрагига ғулғула солди. Уларни Тошкентга келтиришда кўмаклашса эвазига катта миқдорда пул беришини йўл-йўлакай қистириб ўтди.

Қарангки, лақма Абдуғани «ҳожи»нинг нияти шумлигини пайқамади. Бу моллар қонуний йўллар билан келтирилганми, бу қинғирлик нима билан тугайди, булар ҳақида мулоҳаза юритмади.

Катта пулнинг дарагини эшитган Абдуғани ажнабийнинг «ўйини»га лаққа тушди. Кўздек қўшниси Ғуломжон Мадалиевни ёнига олиб, унинг «Тико»сида Аравонга равона бўлди. Йўлда Абдуғани «Хитой моллари» ҳақида тиш ёрмади, шунчаки, картошка харид қилажагини билдирди. Аравон бозорида меҳмонларга «ҳожи»нинг гумаштаси Камол Маматов йўликди. Улар матоларни қаердан, қачон олишлари ҳақида бир битимга келдилар. Сўнг қўшнилар яшаш жойлари – Асака шаҳрининг «Юқори Бўз» қишлоғидаги уйга қайтдилар. Лекин юкларни ташиш муаммоси Абдуғанини ўйлантириб қўйганди. Охири бунинг иложини топди. Маҳалладоши Маъруфжон Меҳмонов билан «тил»лашди. У шахсий «КамАЗ»и – 9553 рақамли машинасида «хожат» чиқаришга рози бўлди.

Абдуғанининг кўзига фақат пул кўринарди. Жигарбанди – Ойбекни, бир қориндан тушган укаси Абдумаликни ҳам жиноятга шерик қилишдан тап тортмади. Сафга ҳайдовчи Маъруфжоннинг укаси Жўравой Меҳмонов ҳам қўшилади. Абдуғани уларга машинага картошка юклашда ёрдамлашишларини айтади, холос. Шундай қилиб, Абдуғани ўғли ва укаси, қўшнилари Ғуломжон, «КамАЗ» эгаси Маъруфжон ва унинг укаси Жўравойлардан иборат тўда шаклланади.

2003 йил 12 январ куни Қирғизистон Республикасига қарашли Қорасув бозорида машинага 383 та рулон, жами 20 минг 711 метр хорижда ишлаб чиқарилган «ҳожи»га дахлдор матолар ортилади. Тааржубки, Россия ва бошқа мамлакатларда сафарда бўлиб, чегара постлари, божхона кўрикларидан ўтиб тадбиркорлик билан шуғулланаётган ҳайдовчи Маъруфжон Меҳмонов ҳам қонунбузарлик бўлмаяптими, моллар ҳужжатлаштирилганми, деган саволларни ўзига бермайди. Бошқалар ҳам бўлаётган ишларни торозуга солиб кўрмайдилар. Ҳаммасининг кўзини текин «бўнак» кўр қилганди.

«Томоша»нинг бош иштирокчиси Абдуғани қўзбўямачиликда пихини ёрганлардан бўлиб чиқди. У бозордан 3,6 тонна картошка харид қилиб, матолар устини беркитишга ҳам улгурди. Мақсад, жиноятнинг изини хаспўшлаш эди. Энди гап молларни чегаралардан ўтказишда қолганди. Шериклар Ғуломжон бошқарувидаги «Тико»га ўтириб йўлга тушдилар. Ортидан Маъруфжон юк тўла «КамАЗ»ни ҳайдаб борарди. Карвон Марҳамат туманидаги 19-сонли Шукурмерган чегара-постига яқинлашади. Бир қадам наридан Ватан сарҳадлари – Ўзбекистон ҳудуди бошланади.

Ватан! Далаларнинг билқ-илдоқ тупроқларидан оёғимизга юмшоқ тўшаб, гоҳ елкасида опичтириб, гоҳ бағрида қучиб, едириб-ичириб, кийинтириб улғайтирган она замин. Бизни мулкдор қилиб, қўлимизга сармоя имконларни тутқазиб, нонимизни бутун қилган, ўзлигимизни танитган шу она Ватан. Кўп қатори Абдуғани, унинг маҳалладошларига қонуний асосда тадбиркорлик ила фаолият юритишга имконият ва имтиёз берилганди.

Шундай бўлса-да, эътиқод, виждон, садоқат деган мўътабар нарсаларни унутиб, пулнинг қулига айланиш кўрнамаклик, хиёнат эмасми?! Қонун билан тақиқланган товар-моддий бойликларни божхона кўригисиз, декларациясиз, ҳуфёна йўллар билан чегарадан олиб ўтиш гуноҳи азимку?! Лекин судда Абдуғанининг берган баённомасини эшитиб беихтиёр ёқа ушламай иложингиз йўқ.

– Постга келганимизда, автомашинадан тушиб, солдатнинг қўлига 15000 сўм бердим, у ҳатто автомашинани очиб ҳам кўрмасдан шлагбаумни очиб, бизни ўтказиб юборди.

Хуллас, нопок кимсалар юртимиз ҳудудига ўтиб, Полвонтош шаҳарчаси орқали Асака шаҳри, 284-уйда яшовчи Ҳожирасул Хожалиев уйига юк билан қўнди. Шоҳидамас, баргида юришга ҳаракат қилаётган тўданинг шубҳали ниятидан ички ишлар ходимлари ўз вақтида огоҳ бўлгандилар. Суриштирувда Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талабларига зид равишда божхона назоратисиз, қонунбузарлар манфаатини кўзлаб, декларациясиз, сертификатсиз моддий-товар бойликлари олиб ўтилганлиги исботини топди.

Изқуварлар жиноятнинг илдизига ўз вақтида болта урдилар. Акс ҳолда қайси ертўлада ишлаб чиқарилганлиги, истеъмолга яроқлилиги номаълум моллар бозорларни «гуллатиши», хуфёна иқтисодиёт тегирмонига сув қуйиши тайин эди.

Жиноий ишлар бўйича Асака туман суди қинғир ишга нуқта қўйди. Кўрнамак инсонлар айбларига иқрор бўлишди. Далилий ашё сифатида 23.578.870 сўмлик мато давлат фойдасига мусодара қилинди. Автоулов эгалари Ғуломжон, Маъруфжонлар тақиқланган молларни ноқонуний тарзда чегарадан олиб ўтишда «дастёрлик» қилганликлари учун муносиб жазоландилар. Машиналари давлат ҳисобига олиниб, ҳар бири 5 йилдан, тўдабоши Абдуғани Ҳайдаров эса 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Қўнғирот-Бейнов автомобил йўли қурилишида

УСТЮРТ КЕНГЛИКЛАРИ ОША

Ҳа, Устюрт кенгликлари орқали мамлакатимизни Қозоғистон, Россия ва Европа билан боғлайдиган 316 километрли Қўнғирот-Бейнов автомобил йўлини аср қурилиши, деб аташ мумкин. Халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган йирик магистрал сахро қумликлари, қир-адирлари ва далаю даштлар орқали ўтади. Бу ерда қишнинг изғирин, баҳорнинг ёмғирли кунлари, кузнинг совуқ шамоллари ва ёз жазирамасини писанд қилмасдан фидокорона ишлаётган қоракалпоғистонлик йўлчилар ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Коммуникация тармоқларининг ривожланиши ўлкамиз тараққиётида муҳим ўрин тутади. Янги йўл халқ хўжалиги юкларини хорижий давлатларга етказиб бериш юмушини осонлаштиради.

Европа ва Осиё давлатларига олиб борадиган Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот автомагистралининг умумий узунлиги 2294 километрни ташкил этади. Словакиянинг «Допрово» ва Чехия Республикасининг «Прага-проект» институтлари мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Қўнғирот-Бейнов йўлининг лойиҳасида оғир юк машиналарининг хавфсиз ва юқори тезликда қатнаши ҳисобга олинган.

Қитъалараро транспорт қатновини йўлга қўйиш учун кенг имконият очадиган улкан қурилишда кечаю кундуз ҳаёт қайнайди. Оғир чўл шароитида қудратли бульдозерлар, экскаваторлар, йўл текислаш, асфальт ётқизиш машиналари тўла қувват билан ишлаяпти. Вахта усулида меҳнат қилаётган ишчилар, инженер-техник ходимларга етарли шароитлар яратилган. Улар ташкилот ҳисобидан бепул иссиқ овқат, махсус кийим-кечаклар билан таъминланган. Ўртача ойлик маош 50 минг сўмни ташкил этади.

Йирик йўлни бунёд этишда Америка, Германия, Франция, Хитой каби давлатлар қурувчиларининг тажрибасидан фойдаланилаяпти. Қурилишда йирик корхона ва ташкилотлар қатнашмоқда.

Бир кеча-кундузда 20 мингта юк машиналарини ўтказиш имкониятига эга бўлган янги автомагистрал мамлакатимиз экспорт қувватини оширишни таъминлайди. У Европа ва Осиё мамлакатларига чиқиш учун энг яқин масофа ҳисобланади. Сахро оралаб ўтган автомагистралда юриш осон эмас, албатта. Шуни ҳисобга олиб йўл бўйлаб тегишли жойларда ҳар томонлама қулайликка эга меҳмонхона ва кемпинглар, замонавий ёқилғи-мойлаш шохобчалари, таъмирлаш устахоналари, туризм масканлари қурилади.

Хуллас, Мағрибу-Машриққа карвонлар қатнаган қадимий маскан яна қайтадан тикланмоқда.

М.АЛЛАМБЕРГАНОВ,
Тахиатош махсус йўл-кўприк қурилиш бошқармаси бошлиғи

Тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталарида

Ҳар биримиз меҳнат қилаётган корхона ёки билим олаётган масканда маданий-маърифий ҳамда спорт ишларининг кўнгилдагидек йўлга қўйилиши тарафдоримиз. Чунки бўш вақтда мириқиб ҳордиқ чиқаришга нима етсин.

Шу боисдан Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг бўлиб ўтган навбатдаги Раёсат йиғилишида Қоракалпоғистон республикаси, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах ҳамда Навоий вилоятларида тармоқ меҳнаткашларининг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун кўнгилдагидек шароит яратиб бериш борасидаги амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

КУН ТАРТИБИДА
маданият-маърифат ва спорт

Дарҳақиқат, давр мамлакатимизда миллий мафкурани шакллантириш, ислоҳотларни кенг халқ оммасига етказиш, меҳнаткашларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш вазифаларини қўймоқда. Зеро меҳнаткашларнинг бўш вақтларида спорт билан шуғулланишларини ташкил қилиш ҳам асосий вазифалардан биридир. Шу боис тармоқ касаба уюшма ташкилотларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшма Марказий Қўмитасининг мазкур йўналишдаги фаолиятларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини бажариш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Корхона ҳамда ташкилотларнинг аксарият қисмида «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этилган. Уларда иш режалари тузилган бўлиб, шу асосда турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Наманган вилоятидаги «Наманган текстил», «Атлас», Қашқадарё вилоятидаги «Санам», «Қаштекс», «Садо» ҳиссадорлик жамиятларида амалга оширилаётган ишлар фикримизнинг яққол далилидир. Шунингдек, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги «Газтаъминот», «Коммундренаж», «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш корхоналари, Сурхондарё вилоятидаги «Сурхонтекстил», «Хўжаикон» туз кони ҳиссадорлик жамиятлари каби бир қатор корхоналарда бу борада олиб борилаётган тадбирлар тўғрисида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Мазкур ташкилотларда «Ватаним маним – фахрим маним», «Қомусимиз – номусимиз», «Келажак – ёшлар қўлида» мавзуларида давра суҳбатлари, «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўрик танловлари ўтказиб келинмоқда. Жойларда «Қувноқлар ва зукколар» беллашувлари, адабиёт-санъат намояндалари билан учрашувлар ҳам қизиқарли ўтмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги «Кумуш» ҳиссадорлик жамиятида маънавият ва маърифат ишларини замон талаблари даражасида олиб бориш учун 9 кишидан иборат кенгаш тузилган. Унга мазкур корхонанинг раҳбари бошчилик қилади. Кейинги пайтларда бу ерда «Миллий истиқлол ғояси – бунёдкор халқ ғояси», «Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари» мавзуларида тадбирлар ўтказилди. Уларда ишчи-хизматчиларнинг маданий-маърифий ҳамда ҳуқуқий савияларини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа. У ҳам бўлса меҳнаткашларни аждодларимизнинг бой маданий мероси билан таништиришдир. Шу боисдан кўпгина тармоқ меҳнаткашларининг Хива, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳамда Имом ал-Бухорий, ал-Фарғоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний қадамжоларига сафарлари уюштирилмоқда.

Тармоқда бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришга ҳам эътибор берилмоқда. Масалан, Сирдарё шаҳар кўзи ожизлар жамияти ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида Эркин Раҳматов бошчилигида оилавий гуруҳ тузилган. Охирги 2 йил давомида мазкур бадиий жамоа вилоят маданият бошқармаси томонидан ўтказилаётган «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўрик танловида совринли ўринларни эгаллаб келяпти.

Ушбу вилоятлардаги барча йирик корхона ва ташкилотларда ҳар йили тармоқ касаба уюшмаларининг спартакиадаси ўтказилмоқда. Наманган вилоятида ўтган йили «Отам, онам ва мен» деб номланган саломатлик спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда 20 дан зиёд ташкилотдан 150 нафар спортчи иштирок этди. Бу тадбирни ўтказиш учун касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 280 минг сўм сарфланди.

Навоий вилоятидаги барча ҳудудий «Газтаъминот» корхоналарида волейбол ёки футбол майдончалари ташкил этилган. Ҳар йили вилоят миқёсида волейбол, мини футбол, стол тенниси, шоҳмот-шашка бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Турнир ғолиблари республика тармоқ мусобақаларида ҳам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Қашқадарё вилоятидаги «Қаштекс», «Санам» ҳиссадорлик жамиятларида, Қоракалпоғистон республикасидаги «Беруний-райҳон», «Манғит текстил» ҳиссадорлик жамиятларида кўпроқ аёллар спортга жалб этилган. Яқинда бу ерда Наврўз байрамига бағишлаб, волейбол, баскетбол, шоҳмот-шашка бўйича мусобақа ўтказилди.

Лекин ижобий ишлар билан бир қаторда тармоқ касаба уюшмалари фаолиятидаги камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, бугунги кунда корхона ва ташкилотлардаги хотин-қизларни турли ижодий тўгаракларга жалб этиш масаласи сусайиб кетаяпти.

Бундай ҳолатни Наманган вилоят «Пима» ҳиссадорлик жамияти, Навоий, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятларидаги ҳудудий коммунал бошқармаларида ва бошқа бир қатор корхоналарда кўриш мумкин. Айниқса, Наманган вилоятининг «Таъмирқурилиш» трестига қарашли 151-Таъмирқурилиш бўлими ва Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳар «Махсустранс» корхонасида аҳвол ачинарли. Бу ерда меҳнаткашларнинг маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларига ўсиб бораётган талаби қондирилмаяпти Маъмурият маблағ тақчиллигини рўкач қилмоқда. Биз юқорида тилга олиб ўтган корхоналарда ҳатто маънавият ҳамда маърифат хоналари ташкил этилмаган.

Қоракалпоғистон республикасидаги «Қалалиқ жап салмалар» бошқармаси, «Арулар» ҳиссадорлик жамиятида, Жиззах вилоятидаги троллейбус паркида, Дўстлик ва Жиззах «Суваоқава» бўлимлари касаба уюшма ташкилотларининг иш режаларида маънавият ҳамда маърифат, спортга оид тадбирларнинг ўтказилиши режалаштирилмаган.

Вилоятларда маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ўтказишга маблағни белгилангандан кам ажратиш ҳолатлари учраяпти. Масалан, Сурхондарё вилоятида бу муҳим тадбирга эътиборсизлик қилинган. Қашқадарё, Наманган вилоятларида худди шунга ўхшаш ҳолат юз берган. Жойларда спорт тадбирларига ҳам панжа орасидан қараляпти. Буни Қоракалпоғистон республикаси, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятларидаги айрим тармоқ корхоналари мисолида кўриш мумкин.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

РОССИЯЛИК ШЕРИКЛАР БИЛАН

Пахтаобод туманидаги озиқ - овқат маҳсулотлари тайёрловчи "Бунёдкор" ишлаб чиқариш фирмаси россиялик шериклар билан биргаликда гўштни қайта ишлаш корхонасини ташкил этишни режалаштирмоқда.

Айни пайтда корхонада колбаса цехи, новвойхона, қандолат ва макарон цехларида эл-ликдан зиёд киши ишламоқда,-деди фирманинг директори Муҳиддин Ваҳобов "Туркистон-пресс" мухбирига.- Хомашё фермер, деҳқон ҳамда шахсий хўжаликлардан харид қилинмоқда.

Маҳсулотлар асосан мактабгача таълим муассасалари, шифохона, мактаб-интернат ҳамда фирма дўкони орқали аҳолига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, фирма "Андижон-чигит" қўшма корхонасида ўз ошхонасини очди. Ўтган йили "Бунёдкор" 63,8 миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрлади.



«Ўзуйжойжамғармабанк» Наманган вилоят бўлимига ўтган йилнинг бошида «Мадаминжон ҳожи Камронбек» кичик корхонаси 10 миллион сўм кредит сўраб мурожаат килди. Корхона консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шу орқали вилоят иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилган эди. Бизнес режа ўрганилди. Лойиҳа анчайин самарали экани ойдинлашди. Шу боис банк ҳеч иккиланмай маблағ ажратди.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

БАНК МИЖОЗИ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Жамоанинг ишбилармонлиги ва банк кўмаги фаолият барқарорлигига асос бўлди. Ишончли ҳамкорлар топилди. Сифатли маҳсулот харидорларга ўз вақтида етказиб берилди. Қисқаси, ишлар юришиб кетди. Ўтган йилнинг ўзида 70 миллион сўмликдан ортиқ товар айланмаси амалга оширилгани ҳам фикримиз далилидир. Бундан ташқари, корхона «Ташаббус-2004» танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, биринчиликни қўлга киритди ва танловнинг республика босқичида қатнашадиган бўлди.

- Мижозлар билан ишлашда, айниқса, уларга кредит ажратишда пухта иқтисодий таҳлилни билиш керак, - дейди банк бошқарувчиси Назиржон Ҳайиталиев. - Шунинг учун кредит беришда, аввало, маблағнинг аниқ соҳалар учун йўналтирилиши, имкон қадар кўпроқ янги ишчи ўринлари яратилишига алоҳида эътибор қаратамиз. Мижозларимизга доимо маслаҳат бериб, самарали фаолиятни йўлга қўйишлари, кўпроқ пул айланмасини амалга ошириб, катта фойда кўришлари учун етарлича имконият яратиб берамиз. Чунки тадбиркорларнинг самарали ишлаши банкнинг ҳам даромадини оширади. Шу билан бирга айтиш мумкинки, иқтисодий жиҳатдан тетик мижозларга хизмат қилиш кишига илҳом бағишлайди.

Бошқарувчи айтганидек, иқтисодий фаолият юритишда мижозларга кўмаклашиш катта натижа бериши турган гап. Бундай кўмаклашиш уларнинг сони ортишига ҳам асос бўляпти. Хусусан, 2003 йил бошида 3 минг 972 та мижозга банк хизматлари кўрсатилган бўлса, жорий йил бошида уларнинг сони 5 минг 129 тага етди.

«Нестле-Ўзбекистон» МЧЖ, «Намангангаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси, Наманган шаҳар «Озиқ-овқатсавдо» жамоа корхонаси, «ДЭУ Юнител» қўшма корхонаси каби мижозларга хизмат кўрсатилаётгани ҳам бўлимнинг вилоятдаги бошқа молиявий муассасалар ичида ўзининг муносиб ўрни борлигини кўрсатади.

Бўлим ўз фаолият кўламини кенгайтириш, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида Наманган шаҳрида ва туманларда ўз мини банкларини очмоқда. Бу эса мижозларнинг иши анча енгиллашишига олиб келди. Таҳлиллар мижоз банкка эмас, банк мижозга бориши кераклигини кўрсатди. Ва ўтган йили «Давлатобод» ҳамда «Уйчи» мини банклари иш бошлади. Жорий йилда Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманларида ҳам мини банклар очилиб, уларнинг сони 6 тага етади. Келгуси йилларда имкониятлардан келиб чиқиб, бошқа туманларда ҳам мини банклар очиб, мижозлар сони ортишига эришиш режалаштирилган.

Ўтган йили банк томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар салмоғи анча юқори бўлди. 2002 йил мобайнида 413 миллион 200 минг сўм кредит ажратилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич кескин кўтарилиб 1 миллиард 236 миллион сўмни ташкил этди. Берилган кредитларнинг 1 миллиард 98 миллион 100 минг сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бўлди. Қолганлари эса бюджетдан ташқари фондлар ҳиссасига тўғри келади.

- Ҳар бир мижознинг фаолиятини таҳлил қиламиз ва берилган кредитни қайтара олиш имконияти қай даражада эканини аниқлаб борамиз, - дея суҳбатни давом эттирди иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Шаропов. - Ўз йўлини йўқотиб қўяётган ёки фаолиятида мураккабликка учраётган, иқтисодий билимлари, малакаси етишмаётган тадбиркорларга йўлланмалар берамиз. Иш юритишларида кўмаклашамиз, таклифлар киритамиз. Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Ҳа, айтгандек, «Мадаминжон ҳожи Камронбек» кичик корхонасининг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш мақсадида яна 25 миллион сўм кредит ажратишни мўлжаллаяпмиз.

Хуллас, бугунги кунда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Натижада ялпи ички маҳсулотда уларнинг салмоғи ортиб бораётир.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири

«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»ДА КОНЦЕРТ

Давлат ҳамда жамоат тузилмалари маблағ ва имкониятларини кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтириш «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг ажралмас қисмидир. Мазкур дастур доирасида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамда «Соғлом авлод учун» Халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси томонидан мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун турли мусиқа фестиваллари, қўшиқлар танлови, учрашув ва концертлар ўтказилиши эзгу анъанага айланган.

Бу гал Тошкентдаги 2-Мурувват уйининг ногирон болалари учун ҳамкорликда Наврўз муносабати билан байрам концерти ташкил этилди.

Концертда Хуршида Ҳасанова раҳбарлигидаги «Севинч» болалар мусиқа жамоаси ижросида ёш ўзбек бастакорларининг куй ва қўшиқлари янгради. Тадбир сўнгида болаларга совғалар топширилди.

ИЗЛАГАН ТОПАДИ

Бугун иш излаб юрганлар оз эмас, бироқ корхона ва ташкилотларда бўш иш ўринлари ҳам кам эмас. Масалан, Янги Ангрен ГРЭсида 85, «Ангрен» кўмир ҳавзасида 33, «Нишон» шўъба корхонасида 70, Халқ таълими бўлими муассасаларида 68 иш ўрни бўш турибди.

Шаҳар меҳнат бўлими шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган навбатдаги меҳнат ярмаркасида аҳолига ана шу бўш иш ўринлари таклиф этилди. Унда олтмиш дан ортиқ корхона ва ташкилот қатнашди. Меҳнат бозорига иш сўраб келган бир юз саксондан ортиқ кишининг 46 нафарига ишга жойлашиши учун йўлланма берилди.

- Йил бошидан буён бизга мурожаат қилган 409 кишининг 260 нафарини ишга жойлаштирдик. Бунда мунтазам ўтказиб келинаётган меҳнат ярмаркалари ҳам яхши самара бермоқда,- дейди шаҳар меҳнат бўлими бошлиғи Турсунали Юсупов.

Шаҳарда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 131 кичик ва ўрта корхона очилди, яна 704 киши якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғуллана бошлади.

(ЎзА)

Самарқанд шаҳридаги «Инфар» ўзбек-болгар қўшма корхонасида бугунги кунда уч хил мураббо ҳамда шоколадли вафлилар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда 15 нафар ишчи меҳнат қилади. Корхона ўтган йили «Самарқанднинг энг сифатли маҳсулоти» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

Суратларда: қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.

Ҳ.ҚОДИРОВ
олган суратлар

Фельетон ўрнида

КИЧКИНТОЙЛАР РИЗҚИГА КЎЗ ОЛАЙТИРГАНЛАР

Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли 224-сонли болалар боғчасида содир этилган қонунбузарликлар кишида таажжуб уйғотади. Боғча мудираси О.Носирова мансабини суистеъмол қилиб, ихтиёрида бўлган ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларини содир этиб келди. У тарбиячи вазифасида ишлаб келган С.Зуфаровага 2002-2003 йиллар даврида бола парвариши таътилида бўлса-да, онгли равишда «ишлаяпти» мазмунида қалбаки ҳужжатлар тўлдириб, ойлик иш ҳақи ва мукофот пулларини унинг номидан сохта имзолар билан жами 282 минг 433 сўм маблағни ўзлаштириб юборган.

О.Носирова бу билан кифояланмади. Болалар боғчасига ишчи вазифасига 2001 йил март ойидан қабул қилинган, сўнгра ҳамшираликда фаолият юритиб келган фуқаро Ш.Пўлатова аслида фақатгина расмий ҳужжатларда ишга қабул қилинган. У ҳақиқатда ишламасада, унинг номига ойлик маош ҳамда мукофот пуллари ёзилиб, 2003 йил октябр ойига қадар сохта имзолар билан 316 минг 303 сўм давлат маблағи мудира томонидан ҳазм қилиб юборилди.

Раҳбар ўз хулқи, хатти-ҳаракатлари билан бошқаларга намуна бўлмоғи лозим. Қинғир ишларнинг тепасида мудиранинг ўзи бош-қош бўлгач ўзгалардан нимани ҳам талаб қилиши мумкин? Ушбу болалар боғчасида хўжалик ишлари бўйича мудира лавозимида ишлаб келган О.Очилованинг қилмишларини ҳам ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. У моддий жавобгар шахс бўла туриб, болаларга тегишли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва давлат мулкини ўз фойдасига ўзлаштирган. О.Очилова жавобгарлигида сақланаётган товар-моддий бойликлар ҳолати текширилганда, жами 238 минг 765 сўм камомад борлиги аниқланди. Кўриниб турибдики, бундай салбий ҳолат ўз-ўзидан юзага келмаган. Айни пайтда болалар боғчасида тарбияланувчилар сони кескин камайганлиги, хизмат талаб даражасида эмаслиги боис унинг фаолияти тўхтатилди.

Туман халқ таълими бўлимига қарашли 510-сонли болалар боғчасида ҳам юқоридаги каби қонунбузарликлар содир этилган. Бу ерда ҳам хўжалик ишлари бўйича мудира лавозимида ишлаб келган Т.Халилова ўз нафсининг бандаси эканлиги маълум бўлди. Акс ҳолда унинг жавобгарлигида бўлган 655 минг 589 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларида камомадга йўл қўйилмас эди. Текширув даврида қаттиқ ва юмшоқ боғча жиҳозларининг маълум миқдори ҳам ўзлаштириб юборилганлиги аниқланди.

Суд ушбу жиноятлар бўйича ишни кўриб чиқди. Унда айбдорларнинг аёллиги, фарзандлари борлиги, илгари судланмаганликлари ҳисобга олинди. Шу боис Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан ушбу шахсларга нисбатан қўзғатилган жиноий ишлар ҳаракатдан тўхтатилди.

Лекин кишини бир нарса ўйлантиради, наҳотки, юқоридаги ҳолатларнинг содир этилишидан халқ таълими мутасаддилари бехабар қолишган бўлса?! Қолаверса, юқоридаги боғчалардаги ходимлар, ота-оналар қинғир ишлар хусусида сукут сақлаб келишгани ачинарли ҳол.

Давур ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Бир Фармон шарофати

БОЛАЛАРИМИЗ БАҚУВВАТ БЎЛСИН

Баҳром Авазов, Алишер Мухторов, Исоқ Аҳмедов, Зокир Шарипов, Шавкат Жўраев, Эгамназар Акбаров, София Каспўлатова, Нодир Эшонқулов... Илк сабоқларини вилоят касаба уюшмалари спорт мактабларида олиб, мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионатларида, халқаро турнирларда зафар қучган бу таниқли спортчилар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Эътиборга лойиқ жиҳат шуки, ушбу салафнинг муносиб ворислари, давомчилари сифатида кўзга ташланаётган ёш спортчиларимиз ҳам нуфузли беллашувларда муваффақиятли иштирок этишяпти.

Ҳозирги пайтда жисмоний тарбия ва спорт жамиятимиз тасарруфида битта БЎСМ ва ихтисослашган футбол мактаби фаолият олиб бормоқда. Мазкур спорт масканларида шуғулланаётган 1200 нафарга яқин ўқувчига ўнлаб тажрибали мутахассислар мураббийлик қилишяпти.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 59 та гуруҳ мавжуд. Уларда 650 нафар ўғил-қиз спортнинг бокс, дзюдо, самбо, миллий кураш, енгил атлетика ва футбол каби оммавий турлари билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Бу йилдан бошлаб қўл тўпи гуруҳи ҳам иш бошлади. Ҳозирда ушбу гуруҳда Равшан Қўчқоров мураббийлигида юздан ошиқ бола машғулотларда қатнашмоқда.

Тарбияланувчилар иштирокида тез-тез мусобақалар уюштириляпти. Ана шундай беллашувлар Наврўз байрами муносабати билан ташкил этилиб, уларда юзлаб ўқувчиларимиз қатнашди. 15-17 март кунлари Шаҳрисабз шаҳрида миллий кураш бўйича БЎСМнинг очиқ биринчилиги ўтказилди. Унда 80 нафарга яқин ёш полвонлар ғолиблик учун баҳс олиб борди. Шунингдек, енгил атлетикачилар беллашувлари ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Қарши шаҳридаги «Насаф» ўйингоҳи спорт базасида бўлиб ўтган қўл тўпи бўйича вилоят биринчилиги баҳсларида эса еттита жамоа майдонга тушди. Айниқса, 18-20 март кунлари ташкиллаштирилган бокс бўйича беллашувлар ғоят қизиқарли ўтди. Ушбу мусобақада 12 та жамоанинг 200 нафардан зиёд «чарм қўлқоп»чилар рингга кўтарилиб, ўз маҳоратларини намойиш этди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.



Амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз, жонкуяр мураббийларнинг изланишлари бесамар кетмаяпти. Отабек Қурбонназаров, Сардор Назаров, Жасур Қаюмов, Нодир Тошев, Жалол Икромов сингари ёш боксчиларимиз охирги йилларда мамлакат биринчилиги ҳамда қатор халқаро турнирлар ғолиблигини қўлга киритишди. Уларнинг яқин келажакда катталар ўртасида, жаҳон бокс рингларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришларига ишончим комил.

Шу ўринда, Шаҳрисабзда фаолият юритаётган фидойи мураббийларимиз – Абдурахмон Исмоилов ва Анвар Зокировларнинг заҳматли меҳнати алоҳида таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Негаки, мана бир неча йилдирки, уларнинг



шогирдлари мамлакатимиз енгил атлетикачилари ўртасида пешқадам бўлиб келишяпти. Шу билан бирга, Рустам Йўлдошев, Фарҳод Усмонов, Ботир Йўлдошев (бокс), Фарҳод Жўраев (самбо), Шуҳрат Чориев (дзюдо), Ибод Қудратов (футбол), Аҳмад Жўрақобилов, Нодир Эшонқулов (миллий кураш) сингари мураббийларимиз шогирдлари ҳам қувонарли натижаларни қўлга киритиб келишяпти.

Бугун мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг қамровдаги ишлар замирида иқтидорли спортчиларни кашф этиш, тарбиялаш билан бирга, жисмонан соғлом, маънан етук ёш авлодни вояга етказиш орзуси ҳам мужассам. Шунинг учун ҳам турли нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ушбу ҳамкорлик самараси ўлароқ, мураббийларимиз маҳаллаларда иш олиб бормоқда. Ўйлайманки, бу болалар, ўсмир-ёшлар ўртасида соғлом муҳитни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Зотан, таъкидланганидек, «Болаларимиз соғлом бўлса, .. ҳаёт синовлари ва қийинчиликларидан қўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу ғоя учун жон куйдириб яшаш ва ишлаш керак».

Қодир ТУРДИЕВ
вилоят касаба уюшмалари ЖТСЖ раиси

Бунёдкорлик

СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ҚАШҚАДАРЁ

ДАСТЛАБКИ ИШЛАР ЧАККИМАС

Ҳар гал қадим Кешга борганимда бир янгиликка гувоҳ бўламан. Бу гал ҳам шундай бўлди. «Камолот» маҳалласида болалар спорт-соғломлаштириш мажмуасининг тез ва соз қуриб битказилганлиги нафақат келажагимиз эгаларини, балки катта-ю кичик барча шаҳрисабзликларни бирдек қувонтирди.

– Ушбу спорт иншоотининг ишга туширилиши билан учта теннис корти, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва мини футбол майдончаларида болалар ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланишлари учун кенг имконият яратилди, – дейди туман ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Бердиев. – Мажмуани бунёд этиш учун жами 270 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Иншоотни барпо этиш жараёнида 28 минг квадрат метр майдонга чим ётқизилди. Югуриш йўлакларини қуришда эса маҳаллий хомашёдан фойдаланилди. Тоғли Деҳқонобод тумани ҳудудидан келтирилган қизил қум югуриш йўлакчаларига ётқизилгани анчагина иқтисодий самара берди. Умуман, спорт мажмуини барпо этишда «Шаҳрисабз консерва», «Шаҳрисабз норуда материаллари», «Кумуш», «Дон – халқ ризқи» сингари ҳиссадорлик жамиятлари жамоалари кўмаги сезиларли бўлганлигини таъкидлаш керак.

Вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлимининг етакчи мутахассиси Ўктам Камолиддинов билан бўлган суҳбат асносида шу нарса маълум бўлдики, «Чоршанбе» ва «Мироқи» қўрғонларида ҳам болалар спорт-соғломлаштириш мажмуалари қурилиши бошлаб юборилган. Айни пайтда Файзулла Ашуров раҳбарлигидаги механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари томонидан олиб борилаётган «Чоршанбе» қўрғонидаги спорт мажмуи қурилиши қизғин паллага кирган. Бунёдкорлик ишлари поёнига етгач, бу ерда 600 ўринга мўлжалланган томошагоҳ билан бирга турли спорт машғулотлари ва мусобақаларини ўтказиш мумкин бўлади.

Умуман бугун вилоятда болалар спортини ривожлантириш, янги спорт иншоотларини бунёд этиш мақсадида бирмунча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Миришкор туманидаги «Жейнов» хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидов ўтган йилги даромад ҳисобидан болалар спорт-соғломлаштириш мажмуаси барпо этаётган бўлса, Касби туманидаги Шароф Рашидов ҳамда Алишер Навоий номли хўжалик раҳбарлари ҳам шу сингари хайрли ишнинг давомчиси бўлдилар. Бу эса келажагимиз эгаларини баркамол ва соғлом бўлиб ўсишларига хизмат қилади.

С.ШАВКАТОВ

Суратларда: 1.«Чоршанбе» қўрғонида барпо этилаётган спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилишида фаол иштирок этаётган қурувчи Фахриддин Тўраев. 2.Мажмуа қурилишида.

Сўз – чемпионларга

Мен таълим олаётган мактабнинг туманда ўзига хос ўрни бор. Билим масканида айниқса, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш диққат марказда турибди. Айни пайтда мактабимизда спортнинг қўл тўпи, футбол, баскетбол, каратэ, волейбол, шоҳмот, шашка ва стол тенниси тўгараклари ишлаб турибди. Ўйингоҳ, янги спорт мажмуаси барпо этилмоқда.

ОЙБАРЧИН ИЗДОШИМАН

Спортнинг миллий кураш, дзю-до турлари билан бир неча йилдан буён шуғулланиб келаман. Таниқли спорт устаси Нодир Норқобилов устозлик қилиб келмоқда. Узлуксиз меҳнат ва қатъий интилиш натижасида битта олтин, иккита кумуш медалга сазовор бўлдим.

2001 йилнинг февралида республика миқёсида ўтказилган миллий кураш беллашувларида иштирок этиб, олтин медал соҳиби бўлган эдим. Ўтган йилнинг октябр ойида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда учинчи ўринни қўлга киритдим.

Биз ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишимиз, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишимиз учун мамлакатимизда мисли кўрилмаган ишлар амалга ошириляпти. Умид қиламанки, ҳали юртимиздан, шу жумладан, туманимиздан ҳам Ватанимиз довруғини дунёга тараннум этувчи спортчилар етишиб чиқади.

Алёна ШОДМОНОВА,
Қарши туманидаги Ойбек номли мактаб ўқувчиси

АСОСИЙ ЮТУҚЛАР ОЛДИНДА

Жисмоний тарбия ва спортга бугунги кунда алоҳида эътибор қаратиляпти. «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳукумат қарорлари фикримизнинг яққол далилидир.

Туманимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи 276 та спорт иншооти ва майдончалари мавжуд. Сўнгги йилларда 60 та баскетбол, 49 та қўл тўпи, 52 та футбол майдончалари қайта таъмирланди. Қишлоқ жойларида, маҳаллаларда болалар учун спорт майдончалари бунёд этилиб, тўгараклар ташкил қилинмоқда. Жумладан, «Равот» маҳалласида мини футбол майдончаси қуриб фойдаланишга топширилди. «Истиқбол» хўжалигидаги стадионни қайта таъмирлаш 26 миллион сўмга лойиҳалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача бу ерда 16 миллион сўмлик иш бажарилди. Туман марказий ўйингоҳи қайта таъмирланмоқда. 2 та касб-ҳунар коллежида каратэ, миллий кураш, стол тенниси, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, шоҳмот-шашка тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Туманимизда оила спортига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган йилги мусобақаларнинг туман босқичи беллашувларида ғолиб чиққан Нажимовлар оиласи вилоятда иккинчи ўринни эгаллади. Анча йиллардан буён вилоят футбол чемпионатида яхшигина қатнашиб келаётган





«Пахтачи» жамоаси эътиборсизлик туфайли ночор аҳволга тушиб қолган эди. Кўрилган чора-тадбирлар самара бериб, жамоа ўзини қайта тиклаб олди. Ўтган йил эса совринли ўринни эгаллади.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кураш турларига катта эътибор берилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, республика миқёсида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида етти нафар ўқувчимиз вилоят шарафини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Кейинги йилларда Шарқ яккакураши турлари, айниқса, каратэ тобора оммалашиб бормоқда. Ойбек номли 12-ўрта умумтаълим мактабида ёш каратэчилар тўгараги фаолият юритяпти. Унда мураббий Улуғбек Эшқувватов 60 нафар ўқувчи-ёшларга ушбу спорт тури сирларидан сабоқ бермоқда. Умуман, болалар спортини ривожлантиришнинг истиқболли режасида белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши туман ҳокимлиги томонидан мунтазам назорат этиб борилмоқда.

Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Болалар спортини ривожлантириш борасидаги барча ишларимиз мавсумий эмас, давомли, чуқур ўйланган бўлмоғи даркор».

Зокир НЕЪМАТОВ,
Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қарши туманидаги етакчи мутахассиси

ЧИРОҚЧИ ҚИШЛОҚЛАРИДА

Обид ҳар кунги одатига кўра бугун ҳам барвақт уйғониб ҳовлига чиққанида бобоқуёш энди-энди ётоғидан бош кўтараётган эди. Шу пайт дарвоза томондан ўртоқларининг чақирганини эшитди. Кўчага отиларкан, онаси Жумагул опанинг «Ҳой болам, ўйинга берилиб қолиб кетмагин-а, ҳали мактабга ҳам боришинг керак» дегани қулоғи остида жаранглади.

Қишлоқнинг бир гуруҳ ёшлари тўпланиб, мактаб ўйингоҳи томон эрталабки бадантарбия машғулотларини бажаргани йўл олишди. Орадан бир соатларча вақт ўтгач, уйларига тарқалишди.

– Қани ўғлим, бугун қандай машқ бажардиларинг? - сўради Обиддан отаси Абдурайим ака.

– Биласизми, дадажон бадантарбия машқларидан сўнг ўртоқларим билан икки гуруҳга бўлиниб футбол ўйнадик. Унда бизнинг жамоамиз ютди.

– Яша ўғлим, фақат футбол деб ўқишларингни бўшаштириб юборма, - тайинлар экан, ўғлига ҳавас билан қараб қўйди...

Чироқчи туманидаги Паканди қишлоғида бу воқеа ҳар тонг такрорланади. Қишлоқ ёшлари ҳар куни тенгқурлари билан ана шу йўсинда эрталабки жисмоний тарбия машқларини бажарадилар.

– Ўртоқларимдан Жўра, Музаффар, Темур, Бобурлар айни пайтда югуриш, турникка тортилиш, тўсиқлардан ўтиш, узунликка сакраш бўйича анча маҳоратга эга, - дейди Обид Ҳайдавалов. – Бизга жисмоний тарбия фани ўқитувчимиз Бобомурод Ўсанов яқиндан ёрдам беради.

Қисқа вақт ичидаги ушбу кузатувимиз давомида чироқчилик болаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқиш ҳамда иштиёқлари тобора ортиб бораётганлигига ишонч ҳосил қилдик.

З.БАКИРОВ

Мураббийлар ҳақида ҳикоялар

ШОГИРД ШОҲСУПАГА КЎТАРИЛГАНДА

Ўз ишининг ҳақиқий усталари бўлган спортчилар, мураббийлар кўпинча ўзлари ҳақида гапиришни хоҳламайдилар. Ҳатто халқаро миқёсдаги бирон-бирон нуфузли мусобақадан ғалаба билан қайтганларида ҳам. Шу билан бирга узоқ йиллик заҳматли меҳнатлари эвазига рағбат – биронта унвон ҳам талаб қилмайдилар. Тўғриси, бундан истиҳола, андиша қилишади. Бемисл фидойилик, жонкуярликка заррача бўлса-да мақтанчоқлик қоришса, буни нокамтарлик деб билишади.

Шаҳрисабзлик жонкуяр мураббий, ажойиб инсон Абдурахмон ака Исмоилов билан танишганимга кўп бўлгани йўқ. Бундан 4-5 ой илгари таҳририят топшириғи билан Қаршига, вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига йўлим тушди. Жамият раиси Қодир ака Турдиев спорт мактаби директори Турсунпўлат Темиров билан бирга қаёққадир отланиб турган экан.

– Бир отахон мураббийимиз бор. Абдурахмон ака. Ёшиям салкам етмишларга бориб қолган. Ҳозир «Қашқадарё соҳили» санаторийсида даволанаётган экан...

Кекса мураббий тўғрисидаги суҳбатимиз йўл-йўлакай давом этди. Ҳамроҳларимнинг Абдурахмон ака ҳақидаги илиқ сўзлари менда у билан танишиш, суҳбатлашиш ва у ҳақда мақола ёзиш истагини туғдирди. Бу ниятимни уларга билдирдим.

– Яхши ўйлабсиз. Лекин Абдурахмон акани гапиртириш осонмас, - дея огоҳлантирди Қодир ака.

Йўқ, Абдурахмон акани гапиртириш қийин бўлмади. Негаки, жудаям дилкаш, қувноқ одам экан. Фақат ўзи ҳақида эмас, кўпроқ шогирдлари тўғрисида сўзлади.

– Кўп йиллар енгил атлетика бўйича мураббийлик қилдим. Ҳозир шогирдларимнинг ҳам ўз шогирдлари бор. Қаричиликми, кейинги пайтларда бироз толиққандайман. Аммо шогирдларимнинг ҳар бир ютуғи, ғалабаси кучимга куч, соғлиғимга соғлиқ қўшади. Масалан, ўтган йили Швейцариянинг Лозанна шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатининг кросс баҳсларида иқтидорли шогирдим Ёдгор Аҳматов ғолиб чиқиб, мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. Унинг бу ажойиб ғалабаси менга олам-олам қувонч бағишлади.

Дарҳақиқат, шогирдлар ютуғи мураббий ютуғидир. Ўтган йили Абдурахмон Исмоилов бошчилигидаги шаҳрисабзлик енгил атлетикачилар салмоқли ютуқларни қўлга киритишди. Шаҳар жамоалари ўртасидаги республика беллашувларида жамоанинг учинчи ўринни эгаллашига Сарвар Ҳусаинов, Анвар Файзуллин ва Собир Мирзаев катта ҳисса қўшди. Бухоро шаҳрида ташкиллаштирилган 1986 йилда туғилган енгил атлетикачилар ўртасидаги мамлакат биринчилигида Райҳон Хўжаева, Аббос Сайдуллаев, Жаҳонгир Зиёдов муваффақиятли иштирок этди. Шогирдларининг бундай ғалабаларидан Абдурахмон ака қувонмай ким қувонсин?!

Дарвоқе, Абдурахмон ака ҳақида. Асли миллати татар бўлган А.Исмоилов Чимкентнинг Махтаорол деган жойида туғилган. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт олийгоҳини битиргач, 1949 йили Шаҳрисабзга кўчиб келган. 1955-58 йиллари ҳарбий хизматда бўлганида, тўсиқлар оша 3 минг метрга югуришда Болгарияда ўтказилган мусобақада учинчи ўринни эгаллаган. «Пахтакор» республика кўнгилли спорт жамиятининг кўпкураш мусобақалари ғолиби. Хуллас, Абдурахмон ака Шаҳрисабзда, қолаверса, вилоятда енгил атлетикани оммалаштириш, ривожлантириш, иқтидорли спортчилар тайёрлашга бор куч ва маҳоратини сарфлаган инсон.

– Спортнинг енгил атлетика тури ҳечам енгил эмас, - дейди у. – Моҳир енгил атлетикачи бўлиш учун кўп нарса талаб этилади. Энг аввало, оёқларинг узун, қадаминг шаҳдам, юрагинг бақувват, шаҳдинг қатъий ва ўктам бўлиши керак...

Мураббийнинг спорт, хусусан, енгил атлетика, унинг шахс баркамоллигидаги аҳамияти хусусидаги мулоҳазаларини тинглар эканман, «Унвонларингиз борми?» дея сўрайман.

– Биласизми, назаримда унвон кўп нарсани белгиламайди. Қолаверса, менинг унвонларим – шогирдларим эришган ғалабалардир. Шу менга ҳар қандай унвондан кўра кўпроқ рағбат, ғурур бахш этади.

Ҳа, ҳақиқий спорт фидойисининг жавоби худди шундай бўлади.

К.АБДУЛЛАЕВ

МУБОРАКДА – ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИ

Футбол жони-дилим. Бу қизиқиш, футболчи бўлиш иштиёқи профессионаллик сари ундади. Кўп йиллар «Машъал» жамоасида тўп сурдим. Мухлислар орттирдим. Эндиликда ёшларга устозлик қилаяпман.

«Машъал» жамоаси 2001 йил футбол бўйича мамлакат олий табақасига йўлланма олди. Натижада командани иқтидорли ўринбосарлар билан таъминлаш эҳтиёжи пайдо бўлди. Туман ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташаббуси билан клуб қошида болалар футбол академияси ташкил этилди. Эндиликда тажрибали мураббийлар ёшларга «чарм тўп» сир-синоатларини ўргатишмоқда. Академиямизда турли ёшдаги олтмишга яқин бола уч гуруҳга бўлиниб машғулотларда қатнашаяпти. Назарий билимлар амалий машғулотларда, футбол майдонларида мустаҳкамланади. Гуруҳлар бир-бирлари билан ўзаро куч синашади.

Машғулотлар аниқ режа асосида олиб бориляпти. 1988-90 йилларда туғилган болаларга К.Элмиров, 1991-93 йилларда туғилган ўсмирларга О.Авезов, 10 ёшгача бўлган болаларга Т.Шоймардонов мураббийлик қиляпти.

Вилоятимизда болалар ўртасида спортнинг бошқа турларини ҳам оммалаштиришга алоҳида эътибор бериляпти. Пўлат Омонқулов мураббийлик қилаётган қўшни Косон тумани спортчи қизлари самбо бўйича ўтказилган мусобақаларда юқори натижаларга эришяпти. Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида ёшлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнирда эса беш нафар қашқадарёлик спортчи – Наргиза Тоштемирова, Бахтиёр Раҳмонов, Шавкат Қўлдошев, Ферузбек Тўраев ва Нодир Самижоновлар олтин медал билан тақдирланди.

Комил ЁМҒИРОВ,
болалар спорт мураббийси

Саҳифани «Ишонч» мухбирлари Шавкат СУЛТОНОВ ва Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади

Буюк аждодларимиз

ХОЖА АҲРОРИ ВАЛИЙ

Тарихда ўтган буюк шахслар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилганда, уларнинг орасида Нақшбандия тариқатининг етук намоёндаси Хожа Аҳрори Валийнинг (1404-1489) номи алоҳида жаранглаб эшитилади. Унинг туғилиб ўсган жойи Абу Тоҳирхожанинг «Самария» китобида кўрсатилишича, Тошкент шаҳридаги Абубакр Каффол мозорига якин бўлиб, ота-бобосининг ёзлик экинзорлари тоғ этагидаги Боғистон қишлоғида жойлашган экан. Абу Тоҳирхожа бу мўътабар шахсни Шайх Хованд Таҳур (Шайхонтохур)га ота томонидан келиб туташганлигини ҳам махсус таъкидлаб ўтади.

Хожа Аҳрорнинг болалиги, унинг авлод-аждодлари ҳақида ёзилган тарихий асарлар ҳам талайгина. Жумладан, унинг қўл остида узоқ йиллар муридлик қилиб келган Муҳаммад Қозининг 1515 йилда ёзиб тугатган «Силсилатул орифин» китоби бениҳоя қимматлидир. Бу маноқибда муаллиф Хожа Аҳрорнинг авлод-аждодлари тўғрисида ҳам маълумот беришга ҳаракат қилади. Унинг ёзишича, Хожа Аҳрорнинг валади ҳисобланмиш Хожа Маҳмуднинг бобокалон аждодлари Муҳаммад Номий деган киши бўлиб, замонасининг улуғ билимдонларидан саналган экан. У Бағдоддан келиб, Абубакр Муҳаммад Қаффол Шоший қўлида ҳам таълим олган ва Шошда турғун бўлиб қолган экан.

Хожа Аҳрорнинг волидаси эса Хожа Довуднинг қизи бўлиб, у Шайх Ховандн Таҳурнинг ўғлидир. Унинг отаси эса Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган Умар Боғистонийдир. Бошқа баъзи маноқибларда улуғ кишиларнинг фазилатлари ва мартабасини мақтаб ёзиладиган рисолаларда Маҳдуми Аъзам номи билан машҳур бўлган Ҳазрати Мавлоно хожаи Косонийнинг устози ҳам Хожа Аҳрор деб кўрсатилади, Чунки Хожа Аҳрорнинг муриди Мавлоно Муҳаммад Маҳдуми Аъзамга устозлик қилган.

Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» асарида қайд этилишича, нақшбандия тариқатларини ёйиш учун Маҳдуми Аъзам Фарғона воҳасига махсус юборилган. Бунга шубҳасиз, исломпаноҳ сўфий Хожа Аҳрорнинг саъй-ҳаракати ўз ифодасини топган. Тарихий маъҳазларнинг шаҳодатича, Маҳдуми Аъзам 1503 йилда Фарғона Шайбоний ўзбеклари томонидан босиб олинганда Асакада яшаган. У 1509 йилгача Асаканинг ҳокими этиб тайинланган. Шайбонийнинг ўғли Жонибек Султон ҳам у билан танишгач, унга қўл бериб, 1515 йилда Маҳдумни Карманага чақирган. Жонибек Султондан кейин у 1529 йилларда Бухорои Шарифга кўчиб келади. 1533 йилларда Убайдулла Султон ҳам унга мурид бўлади. Кўриниб турибдики, Маҳдуми Аъзамнинг авлиёлик даражасига кўтарилишида нақшбандийлик тарқатини кенг ёйиб, унинг онгига сингдиришда Хожа Аҳрор ва унинг шогирди Мавлоно Муҳаммаднинг мавқеи ниҳоятда юксак бўлган.

Нақшбандийлик тариқатининг етук намоёндаси бўлган Хожа Аҳрор 1404 йилда туғилиб, 1489 йилда Самарқандда вафот этган. Болалигида отасининг ёрдами билан бошланғич маълумот олгандан кейин тоғаси Хожа Иброҳимнинг ҳаракати билан Бухорода, Самарқандда ва Ҳирот шаҳарларида узлуксиз ўқиб-ўрганди. Бу даврларда катта илмий изланишларда бўлган Хожа Аҳрор жуда кўп улуғ олимларнинг қўл остида таҳсил олди. Унга устозлик қилган машҳур тасаввуф шоири Қосим Анвар (вафоти 1432 й), Низомиддин Хомуш, Шайх Зайниддин Хавофий (вафоти 1435й), Жомийнинг пири комили Саъдиддин Қошғарий (вафоти 1456) ва Яъқуб Чархий (вафоти 1447) кабилар эди. Буларнинг баридан у Нақшбандийликнинг турли тариқатлари бўйича кенгроқ билим олишга ҳаракат қилди.

Хожа Аҳрор дастлаб Қосим Анварнинг муриди бўлган эди. Унинг обрў-эътибори Ҳиротдагина эмас, балки Самарқандда ҳам юксак бўлган. У Амир Темур тирик пайтида унинг қабулида бўлган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи садайн» асарида айтилишича, 1427 йили Шоҳрухга масжид ичида пичоқ урилганда баъзи юксак мартабали амирлар Қосим Анварнинг «сарбадорлар» билан алоқаси бўлса керак, деб гумон қилишиб, уни Самарқандга сургун қиладилар. Худди шу пайтларда Самарқандда таҳсил олаётган Хожа Аҳрор Қосим Анвар билан илк учрашувини шундай хотирлайди: «Ҳазрати амир Қосим шайх Абулайс ҳаммомига борганлигини эшитиб қолдим. Унга йўлиқиш учун у ерга бордим. У ҳаммомдан чиқиб, тахти равонга ўтирди. Тўрт киши уни кўтариб бораётганда, мен ҳам тахти равоннинг бир поясини елкамга олиб, амир Шоҳмалик мадрасасигача кўтаришиб бордим. Амир Қосим шайх у ерга етгач, унинг хизматкорларидан бири «Сен бу хизматинг билан «одамийлик» қаторига қўшилдинг» дейди. Хожа Аҳрор у билан суҳбатлашгач, Амир Қосимда яхши таассуротлар қолади. Унинг қўлида мулла бўлиб, Самарқандга танилади. Шу боисдан кейинчалик Қосим Анвар Фатҳуллоҳ Табризийга «агар сен саодатни истасанг Хожа Аҳрор этагини маҳкам ушла» деган эканлар. Хожа Аҳрор устози Қосим Анварнинг «Илм баёнида», «Сўфийлар тариқатидаги юз мақом», «Саволу жавоб», «Ҳавроия» («Гўзаллик») каби асарларини чуқур мутолаа қилди. У Ҳиротга бориб мадрасада бир мунча вақт ўқиган кезларида, Саъдиддин Қошғарийнинг сабоқларидан таълим олди. Шунингдек, бу улуғ илмлар масканида у мавлоно Низомиддин Ҳомуш ва Баҳоуддин Умарлардан ҳам тасаввуф сабоқларини олди. Бироқ бу устозларнинг бари Хожа Аҳрор учун маънавий муршид, пири комил бўла олмади. Бунинг сабаби унинг юрагини ғаш қилган, қалбини забт этган улуғ бир муаммо бор эди. Шу муаммога бу устозларидан етарли жавоб ололмайди. Чунки бобоси Умар Боғистоний айтган «Шайх бўлма, сўфи бўлма, мулло бўлма, мусулмон бўл» деган ғоянинг асл мағзини чақиш истаги Хожа Аҳрорни доимо ўйлантириб келарди. Хожага ана шу ғояни ечиб берадиган пири комил зарур эди. Кейинчалик шу саволга жавобни Хожа Аҳрор Нақшбанднинг энг етук шогирдларидан Мавлоно Яъқуб Чархийдан топди. Аввало у устознинг ўша даврлардаёқ номи юксак бўлган «Рисолаи унсия» деган китобини қайта-қайта ўқиди. Яъқуб Чархий Хожа Аҳрорни бу соҳадаги билимини оширишда анча заҳмат чекди. Шундан кейин Хожа Аҳрорга оқ фотиҳа бериб, уни Тошкентга юборди. Хожа Аҳрор ўз валийлиги билан Тошкентда яшаб тез тугаллик топиб, танилиб кетди. У 1451-52 йилларда Самарқанд дорилмулукига ишга чақирилди. Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, мустақилликка бўлган тарих саҳифаларимизда аксарият олимлар, ёзувчилар очиқдан-очиқ Мирзо Улуғбек билан Хожа Аҳрор ўртасига сунъий тўсиқ қўйиб, улар орасида қандайдир келишмовчилик бўлганлигини, шу туфайли Улуғбек Мирзонинг ўлдирилишида унинг қўли борлиги ҳақида фикрлар билдирганлар. Бу фикр тарихий ҳақиқатга зиддир.

Улуғбек замондошларининг гувоҳлик беришича, Хожа Аҳрор Самарқандга Улуғбек ўлдирилгандан 2 йил кейин келган. Бу даврда Самарқанд тахтида Мирза Абдулла ҳукмрон бўлиб турган кезлар эди. Унинг Самарқандга бутунлай кўчиб келиши кейинроқ 1454 йилда Султон Аҳмад замонига тўғри келади. Хожа Аҳрорнинг набираси Хожа Абдулҳақнинг «Мақомати Хожа Аҳрор» асарида подшо Султон Аҳмаднинг иноятн билан у Самарқанддан катта ҳовли-жой сотиб олган. Бу жойга ёзилган молиявий рухсат қоғозлардан маълум бўлишича, унинг васиқасига замонанинг машҳур олимларидан Фазилуллоҳ Абулайсий кафолатликка ўтиб имзо чеккан. Шундай бўлгач, ўзи Самарқандда ишламаган Хожа Аҳрор қандай қилиб Султон Улуғбек билан кураш олиб боради. Умуман ўша даврнинг энг покиза ва ростгўй, билимдон тарихчилари Мирхонд, Давлатшоҳ, Абдураззоқ, Хондамир, Мирҳайдар, Восифий, Кошифий кабиларнинг бирортаси Улуғбек ва Хожа Аҳрор ўртасида зиддият бўлганлигини айтишган эмас.

Ҳатто, ҳақиқатни айтишда ўз отасини ҳам аймаган Бобурдек муҳтарам зот ҳам бу борада «лом-мим» деган эмас. Аксинча, у «Бобурнома»нинг бир неча саҳифасида Хожа Аҳрорнинг каромат ларини кўкка кўтариб мақтайди. Мана у бу ҳақда нималар дейди: «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг мутаалликларигаким, бурун харж ва таҳлилларда кўп фақир ва мискинларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидидин халос бўлур эрди». Хожа Аҳрор билан замондош бўлган Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳам бу шахсни ниҳоятда обрўэътиборли киши эканлигини айтадилар. Бу улуғ шахсият ҳақида унинг кўп йиллик пири бўлган Фахриддин Али Сафий томонидан ёзилган «Рашаҳоту айнул ҳаёт» асарини эслатиб ўтиш ўринлидир. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли бўлган Али Сафий бу улкан асарни ёзишда ўзи кўрган, билган воқеалардан ташқари, унгача яратилган «Мақомати Саййид Амири Кулол», «Мақомати Баҳоуддин Нақшбанд», «Силсилаи Хожагон», «Нафоҳатул унс», «Силсилатул орифин», «Масмуъот» каби асарларидан ҳам фойдаланган.

1503 йилда ёзиб тугалланган бу нодир китобда Али Сафий 1444-1500 йилларда Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган ўткир сиёсий воқеаларга доир кўп қимматли маълумотлар келтиради. Айниқса, Абу Саид, Абулқосим Бобур, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Умар Шайх сингари темурийзодалар ўртасидаги Самарқанд тахти учун олиб борилган таҳликалар ҳақидаги маълумотлар муҳимдир.

«Рошаҳот»да ҳикоя қилинишича, замонанинг барча кучли ва азамат хоқонлари Хожа Аҳрорга қуллик, фармонбардорлик ва ихлоскашлик камарини белга боғлаганлар. Бунга Андижон, Фарғона ҳукмдори Умаршайх ва Мирзо Бобурлар ёрқин далилдир. Бу ҳукмдорларнинг баъзилари хонлик жиғасини кийган ҳолатда, Хожанинг узангисида яёв югурардилар. Ҳатто, Хожанинг уйида хизмат қилувчи кишиларга биров андаккина одобсизлик кўрсатса, давлати ва мамлакатидан бадарға қилиниб, ёки ўлдирилиб, замона ибрати бўлар экан. Валоят ва тасаруффининг кучлилигидан халқнинг бутун ички ва ташқи эга бўлиб, уларни истаган йўлига сола олар экан. Унинг ҳатто мозори ҳам ўлган, чўккан кўнгилларни, зиқ бўлган юракларни ёзиб юборар экан.

Хожа Аҳрорни шахсан танийдиган, у билан кўп мулоқотда бўлган Хожа Абдулҳақ ҳам 92 варақдан иборат «Мақомат» ёзган. Хожа Абдулҳақ Нақшбадия силсиласининг давомчиларидан бўлиб, Хожа Аҳрорнинг Шероздаги ер-мулкининг мутаваллийси вазифасида иш юритган. У Хожага набира бўлганлигидан мазкур китобини бевосита ўзи кўрган, билган, эшитган нарсалари асосида яратган. Гарчанд бу рисола унчалик йирик бўлмаса ҳам унда Мовароуннаҳр, Қозоғистон ва Мўғулистоннинг XV-XVI асрга тааллуқли ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир қизиқарли маълумотлар келтирилади. Масалан, унда барот нима, тамға пули, қоғоз корхонаси, Самарқанд бозорида юз берган катта ёнғин ҳақида яхшигина маълумотлар келтирилади.

Шунингдек, рисолада Самарқанд тахтига ўтирган ёш Бойсунқур Мирзо ва Султоналилар ўртасида кечган ноаҳлликлар хусусида ҳам ҳаққоний ва қизиқарли ҳикоятлар бор.

Маълумки, «Султон Маҳмуд ўлимидан кейин унинг ўғли Бойсунқур Мирзо Самарқанд тахтига ўтқазилади. Шу пайтда унинг иниси Султон Али Мирзо Ўратепада ҳоким бўлиб турган эди. Дарвеш Муҳаммад Тархон бошчилигидаги Самарқанд аслзодалари Бойсунқур Мирзодан юз ўгириб, унга қарши бош кўтарадилар. Улар ҳар икки Мирзони қўлга олиб, Султон Алини тахтга миндирдилар. Бойсунқурни эса Кўксаройга қамайдилар.»

Бойсунқур Хожа Аҳрор ва унинг катта ўғли Хожа Муҳаммад Абдуллонинг муридларидан бўлганлиги учун хуфёна тарзда улардан мадад олишга эришади. Бойсунқурнинг зиндонбанд қилиниши, айниқса, Хожа Калонни даҳшатга туширади ва у шаҳзодаи навжувонни қутқариш тадоригига тушади. У ўз муҳибларидан Саидзода Бозорга мурожаат қилиб, «Уйингизга бир меҳмон келади, ҳозир бўлиб туринг», дейди. Бу ҳақда Бойсунқурга ҳам хабар берилади. Бойсунқурни Хожа Кафшир маҳалласига олиб келадилар. Унинг яқинлари подшоҳни ўлдирилган деб гумон қилиб, ваҳимада юришганда, у Хожа Аҳрорнинг ёрдамида қутқарилганлигини эшитишиб ниҳоятда хурсанд бўладилар. Эртасига Бойсунқур тарафдорларининг ҳаракати билан арк қўлга олинади. Қўзғолончилар арккa қамалади. Дарвеш Муҳаммад Тархон ўлдирилади. Султон Алининг бошига Бойсунқурнинг куни тушади, унинг кўзига мил тортишга ҳукм қилинади. Бироқ Султон Али ҳам Хожа Аҳрорнинг кичик ўғли Муҳаммад Яҳёга мурид бўлганлигидан, унинг кўзи сақланиб қолади. У қамоқдан қочирилиб, Бухорога жўнатиб юборилади.

Хожа Аҳрор Абу Саид ва унинг ўғли Султон Аҳмад замонида жуда катта нуфуз эгаси эди. У катта ер, сув, мол-дунё ва обрў-эътиборга муяссар бўлади. Бироқ ўша даврда Хожагон тариқатининг асосий моҳияти шунда эдики, сўфий ёки солик барча мавжуд ҳимматларни эл-юрт, камбағал, бева-бечораларнинг юмушларини ҳал этиб бериш, зулм тиғини ушатиш борасида бор ғайратларини аямаслик шиор қилиб олинган эди. Хожа Аҳрор ҳам ана шу ғояларни маҳкам ушлади, мусулмонлар кўнглини обод қилиш, бузуқ кўнгилларни тиклашда тинимсиз изланади. Жумладан, Абулқосим Бобур Мирзо ўлимидан кейин Абусаид Ҳиротни эгаллаб, саройда ваколатлик пояларида турган Навоийнинг тоғалари Ғарибий ва Қобулийларни дорга остиради. Абусаид Навоийга ҳам қаттиқ тикилган эди. Шунда унинг пири комили Абдураҳмон Жомий Хожа Аҳрорга хат ёзиб, уни Самарқандга чақириб олишни илтимос қилган. Хожа Аҳрор бу илтимосни қондириб, Навоийга Самарқандда шарт-шароитлар туғдириб беради.

Нақшбандийликда шайхлик дегани ўзига сон-саноқсиз мурид топиш эмас, балки мусулмонни золимлар зулмидан асраш доимо шиор бўлиб келган. Хожа Аҳрор ана шу ғояларни ҳукмдорларнинг қулоғига қуйиб, унинг сиёсатини юмшатиш чораларини кўради. Шу жиҳатдан ҳам Хожа мусулмонлик деганда – «эл ғами ташвишида яшамоқ» деган ғояни тушунади. Шунинг учун ҳам унинг номи, беш асрдан ортиқ даврдан буён эл кўнглидан пастга тушмади. Унга отилган ҳисобсиз «санги-маломат»лар ҳеч бўлиб қолаверди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам унга ихлос қўйиб тушида кўрганлигини бежиз таъкидламаган. Кейинчалик у, Хожа Аҳрорнинг «Волидия» деб номланган асарини шеърий таржима қилган. Шоҳ Бобур «Бобурнома»да Хожа Аҳрор ҳақида шундай ёқимли сўзлар айтади: «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг мутаалликларигаким, бурун харж ва таҳмилларда кўп фақир ва мискин аларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидин халос бўлур эрди. Чиндан ҳам бу улуғ инсон ҳам, Навоийга ўхшаб ўз хўжалигидан орттирган даромадларини халққа солинган солиқларни тўлашга, мадраса, масжид, хонақоҳ, кўприк, боғ, работ ва бошқа қурилишлар, эҳсонлар харажатига сарфлаган. Хожа Аҳрорнинг набираси Хожа Абдулҳақнинг «Маноқиб»ида айтилишича, ўз даврида Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисига 70 минг динорлик солиқ солганда, Хожа Аҳрор шу пулнинг ҳаммасини ёнидан тўлаган. Самарқандда эса 10 минглаб динор пулни Султон Аҳмад Мирзога тез-тез «пешкаш» қилиб турган. Шу туфайли бу улуғ шахснинг номи, иш-амаллари бошқа мамлакатлар ҳудудига ҳам кенг ёйилган эди.

Масалан, у Ҳиндистонда ҳам ўз намоёндаларини топган. Айниқса, Бобур ва бобурийлар даврида Хожа Аҳрор ғоялари Ҳинд диёри бўйлаб кенг ёйилиб кетган. Хожа Аҳрорнинг нақшбандийлик тариқати бўйича қилган амаллари, умуман хожагон силсилалари хусусида Ҳиндистонда ҳам тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Деҳлида 20 йилга яқин подшоҳлик қилиб турган Жаҳонгир Хожа Муҳаммад Бақо номли ҳокимига топшириқ бериб, йирик бир асар яратишни буюрган. Нақшбандий силсилидаги ал-Бадахший «Насиматул-қудс мин ҳадойиқулунс» номли 754 варақдан иборат йирик маноқибни яратган. Бу китобда Хожа Аҳрордан кейин Ўрта Осиё, Хуросон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонда истиқомат қилган Нақшбандия хожалари, шайхларининг ҳаёт йўли тарихидан маълумот берилади.

Бу асар худди Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Али Сафоийнинг «Рашаҳот» китобининг давомига ўхшайди. Бу маноқиб катта қийматга эга бўлиб, ҳозиргача ўрганилиб чиқилмаган. Жумладан, бу асарда Хожа Аҳрор авлодидан бўлган Муҳаммад Юсуф ҳақида шундай сўзлар баён қилинади: «Шоҳибек 1510 йилда ўлдирилгач, у Қошғарга кетиб қолди. Қошғар ҳокими Султон Саидхон унга зўр эҳтиром кўргузди. Муҳаммад Юсуф у ерда ўз муридларини қўпайтиришга эришди. У 1532 йилгача яшаб, ўша ерда вафот этди. Бу китобда келтирилган иккинчи бир парча янада қизиқарлироқ бўлиб, унда муаллиф Жўйбор хожаларидан Хожа Тожиддин ҳақида маълумот бера бошлайди. Хожа Тожиддин ҳам Хожа Аҳрорнинг яқин дўсти, ҳамсуҳбати бўлган. Ушбу асарда бу улуғ киши ҳақида шундай дейди: «Хожа Тожиддин – улуғ Ҳофизиддин Бухорийнинг бобокалони Хожа Рашидиддиннинг авлодидир. Хожа Рашидиддиннинг отаси Хожа Шужоҳ Чингизхон туғёни пайтида Мўғулистонга кетиб қолган ва Хожа Рашидиддин ўша ерда таваллуд топган. Унинг саъй-ҳаракати туфайли ўша ердаги мўғуллар мусулмон бўлган».

Хожа Аҳрори Валий замонида Хожа Тожиддин Мовароуннаҳрга келган ва мавлоно Ироқ Тусийга муршид бўлган. У узоқ йилларини Хожа Аҳрорнинг остонасида ўтказди. «Хожа Аҳрорнинг лутфу карамига сазовор бўлгач, Қошғардаги Турфонга жўнаш учун ундан рухсат олди». Кўриниб турибдики, бу маноқиблар турли-туман ҳужжатли маълумотларга бой бўлиб, шубҳасиз тарихимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Хожа Аҳрор давлату дин ишларининг юкини кўтариш билан бирга тасаввуфга оид асарларни ҳам яратган. Унинг «Воридот» деб аталган форс тилидаги насрий асари «Фикратул орифин» номи билан ҳам аталиб келинган. У тасаввуфга оид қарашларини, ўзи кўрганбилган ҳаётий масалаларни мазкур китобда тасвирлашга уринган.

Хожа Аҳрор авлодларидан саналмиш Мирсаид Роҳим ўзининг «Тарихи касира» асарини ёзишда Хожа Аҳрорнинг ана шу китобидан фойдаланган.

«Волидия» китоби бевосита Хожа Аҳрорнинг отаси Хожа Маҳмуднинг илтимоси билан ёзилган. Бу асарни баъзи донишмандлар «Маърифат денгизидаги дурдона» деб атаганлар.

Хожа Аҳрорнинг «Рисолаи Ҳавроия» деган шарҳ китоби ҳам бор. Шунингдек, бу улкан одамларвар шахсиятнинг турли юмушлар билан турли вақтда, турли шаҳарларга, вилоятларга ёзган хатлари ҳам сақланиб қолган. Жумладан, Навоий ҳам Хожа Аҳрор томонидан ёзилган хатларни «Муншаот» китобида тўплаган.

Шундай қилиб, бу мўътабар шахс ўз умрини баракали, хосиятларга бой, сермурувват қирралари билан безаб, келажак авлодларга ибрат тариқасида мерос бўлиб қолди. У 1489 йил ражаб ойининг биринчи кечаси Самарқанднинг Жанубий тоғи этагига жойлашган Камонгарон қишлоғида вафот этди. Унинг майити у ердан келтирилиб, ўзининг асл яшаш жойи бўлган Хожа Кафшир маҳалласидаги «Муховатаи муллоён» мозорига қўйилди. Бу мозорда ундан тарқаган қатор таниқли кишилар ҳам кўмилган.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури—амалда

ИХТИСОСЛАШГАН БОҒЧА-ГИМНАЗИЯ

ўқувчиларни танлов асосида қабул қилмоқда

Чирокчи туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги Улуғбек номли ихтисослашган боғча-гимназия туман, қолаверса, вилоятдаги етакчи таълим масканлардан бири. Бугунги кунда гимназиянинг 3 та боғча ҳамда 9 та ихтисослашган синфларида 298 нафар бола таълим-тарбия олаяпти.

– Ихтисослашган синфларга асосан инглиз тили ва математика фанларига қизиққан ўғил-қизлар танлов асосида ўқишга қабул қилинади, - дейди боғча-гимназия директори Гулсара Алиқулова. – Ўқув жараёнлари Давлат таълим стандартлари талаблари асосида олиб борилаётганлиги сабабли ҳам ўқувчи-ёшларимизнинг фанларга бўлган қизиқишлари тобора ортмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда ўқитувчилар ҳам танлов асосида ишга қабул қилинади. Шунинг учун ҳам соғлом рақобат муҳити яратилган. Шу билан бирга синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ҳам намунали йўлга қўйилган. 6 та фан тўгараги, турли спорт секциялари ишлаб турибди. Фанлар гуруҳлаштириб ўтилгани боис, ўқувчиларнинг сифат ўзлаштириши 86 фоизга, ўзлаштириш эса 100 фоизни ташкил этди.

Фанлардан аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчилар фан олимпиадаларида туман ва вилоят миқёсидаги турли кўрик-танловларда ҳам муносиб иштирок этяптилар. Жумладан, Лайло Рамазонова, Моҳинур Шокирова, Дониёр Узоқов, Алишер Маллаев, Зебо Алиқулова сингари иқтидорли ёшлар фанларни аъло баҳоларда ўзлаштириш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашадилар.

Боғча-гимназияда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида педагоглар малакасини ошириш аниқ режа асосида ташкил этилган. Синовдан муваффақиятли ўтган ўқитувчилар ўз вақтида рағбатлантириб борилмоқда. Масалан, Баҳодир Райимқулов, Татьяна Зиновьева, Фотима Хидирова, Дилфуза Сайдуллаевалар сўнгги танлов ғолиблигини қўлга киритишди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, боғча-гимназияни таъмирлаш, ўқувчиларнинг пухта билим олишларини янада яхшилаш учун бу ерда ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Бунинг учун эса ҳомийлар кўмаги талаб этилади. Зеро, ана шунда боғча-гимназиянинг иқтидорли ўқувчилар сафи янада кенгаяди.

НУРБЕК

ТАЛАБАЛАРГА ИМТИЁЗ

«Жиззахтранс» ҳудудий бошқармаси раҳбарияти Меҳр ва мурувват йилида хайрли ишга қўл урди. Кам таъминланган 200 нафар коллеж талабалари шаҳар автотранспортидан бепул фойдаланадиган бўлишди. Яқин кунларда яна 300 талаба ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлиши кутилмоқда.

А.АЗИМОВ

АДАБИЁТЛАРГА БОЙ КУТУБХОНА

Бундан 70 йил аввал Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўзининг кутубхонасига эга бўлган эди. Шу ўтган давр мобайнида бу зиё маскани китоб фонди иқтисодиёт бўлимларига доир кўплаб нашрлар билан бойиди.

Ҳозир бу ерда 750 минг нусха китоб ва журнал бор. Бу нашрларнинг талайгинаси совға қилинган адабиётлардир. Кутубхонада чет эл адабиёти бўлими ҳам ишлаб турибди. Инглиз, немис, француз ва япон тилларида босиб чиқарилган дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам талабалар ихтиёрида.

Бу ерда электрон ўқув адабиётлари зали ҳам мавжуд.

А.АЛИЕВ

Ўзбек давлат циркида бўлиб ўтган «II-кураш-шоу» байрами таассуротлари ҳамон эл кезиб юрибди. Унда, маълумки, полвонлар белбоғли ва ўзбек кураши бўйича майдонга тушдилар. Белбоғли курашда Тошкент шаҳри ҳамда Андижон терма жамоалари ўзаро беллашган бўлса, ўзбек курашида эса Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари терма жамоалари ғолиблик учун баҳслашдилар.

Белбоғли курашда андижонлик полвонларнинг қўли баланд келди. Ўзбек кураши бўйича ўтган мусобақада сурхондарёлик полвонлар 5:2 ҳисобида бухороликларни мағлубиятга учратди.

«II - кураш-шоу»да ҳиндистонлик полвон Етендер Алимбуян ҳам гиламга тушди.

Шунингдек, кураш байрамида раис полвонлар ҳам ғайратларини намойиш этдилар. Навбатдаги «кураш-шоу»ни вилоят марказларида ўтказиш режалаштирилмоқда.

Суратда: Полвонлар Камол Муродов ва Ўткир Қурбонов беллашуви.

Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган сурат

Футбол

Чоршанба - Европада бўлгани каби Осиёда ҳам катта футбол куни. Энг ҳаяжонли дақиқаларни мухлисларга ҳадя этадиган ўйинлар - клублар ва терма жамоалар ўртасидаги беллашувлар айнан шу куни ўтказилади.

ҚАРАШЛАР ЎЗГАРДИ

натижа қандай бўларкин?

Келаётган 31 март чоршанбаси ҳам бундан мустасно эмас. Осиё қитъасида ЖЧ-2006 саралаш босқичининг иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтади. Равшан Ҳайдаров ва немис мутахассиси Юрген Гёде бошчилик қилаётган миллий терма жамоамиз шу куни меҳмонда Хитой Тайпейи футболчиларига қарши майдонга чиқади.

Футбол ишқибозларини биринчи навбатда бир савол - ушбу ўйинда қайси жамоанинг қўли баланд келиши қизиқтириши табиий. Сир эмас, рақибларимизнинг халқаро рейтинги у қадар юқори эмас. Аммо футболда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Баъзан кутилмаган натижа қайд этилиши - ҳар томонлама кучли деб эътироф этилган жамоадан омад очиқчасига юз ўгириши ҳам мумкин. Шундай бўлмаслигининг олдини олиш эса, аввалгамбор мураббийларнинг вазифасидир.

Хўш, Р.Ҳайдаров ва Ю.Гёде бунинг учун ҳамма чораларни кўрдиларми? Ҳар ҳолда шунга ҳаракат қилинди. Бундан бир ой муқаддам Қибрайда бошланган йиғин билан кифояланиб қолинмади. Миллий чемпионатимизда ўтказилган ҳар бир турдан сўнг қайта-қайта таҳлил қилиниб, янги-янги ўйинчиларни термага жалб этиш чоралари кўрилди. Бир сўз билан айтганда, Бангкок орқали Хитой Тайпейига учиб кетгунгача ўтган фурсатдан тиғиз режа асосида унум билан фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Мухлислар учун муҳим янгилик шуки, таркиб асосан миллий чемпионатда тўп сураётган футболчилардан иборат бўлишига жиддий эътибор қаратилди. Бундан ташқари, «Пахтакор» жамоаси база сифатидаги ролини сақлаб қолгани ҳолда, «Навбаҳор», «Нефтчи», «Насаф» сингари клубларнинг етакчи футболчиларига ҳам ишонч билдирилди.

Таркибдан бор-йўғи беш нафар легионер жой олганлиги ҳам Ҳайдаров-Гёде жуфтлигининг ўзига хос янгилиги бўлди, десак, муболаға эмас. Улар «Крилья Советов» дарвозабони Алексей Поляков, Қозоннинг «Рубин» клуби ҳимоячиси Андрей Фёдоров, ЦСКА ҳужумчиси Александр Гейнрих, «Ротор» ҳимоячиси Владимир Радкевич, «Алания» ярим ҳимоячиси Миржалол Қосимовлардир.

Киевнинг «Динамо» клуби тўпурари Максим Шацких хасталиги туфайли ушбу сафарга жалб қилинмади.

Ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши. Биз аввалги шарҳларимизда терма жамоада легионерлар асосий фигурага айланиб қолаётганини, маҳаллий футболчилар ўзларини кўрсатишлари учун имконият доираси тобора торайиб бораётганини айтиб ўтган эдик. Бу нафақат бизнинг, балки барча матбуот вакилларининг ҳам фикрига айланиб бораётганлиги бежиз эмас. Номдор футболчилар ўз йўлига, муҳими, жамоага очко олиб келадиган, ҳар бир ўйинни ўзининг ор-номусига айлантира оладиган марди майдонларгина мухлислар кутган натижани тақдим эта олишини унутмаслигимиз керак.

Чамаси, ушбу мақсад йўлида дастлабки қадамлар ташланган кўринади. Хитой Тайпейи устидан қозонилган ғалабагина бизда бунга ишонч уйғотиши мумкин.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 20242 Буюртма Г— 417 23456